

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2014 йил  
5 март  
ЧОРШАНБА  
№ 19 (12655)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят кенгаши сессияси

## ФЕРМЕР ЛАФЗИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, фермерлар ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар мутасаддилари иштирок этишди.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Аҳмадjon Усмонов бошқарди.

Очқ ва тахлий руҳда ўтган сессияда қайд этилганидек, қишлоқ хўжалигидаги изчил ислохотлар, соҳани диверсификация қилиш, тармоққа янги, замонавий техника ва технологияларни кенг жорий этиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётди. Хусусан, экин майдонларининг мелiorатив ҳолати, ёқилги-мойлаш ашёлари, агротехника, минерал ўғитлар таъминоти яхшиланиб, фермер хўжалиқларининг давлат эҳтиёжлари учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имкониятлари кенгайиб келди. Ўз навбатида, тармоқ вакиллари иқтисодий салоҳиятини ошириш жойларда ердан оқилона фойдаланиш, дала маданиятини ривожлантириш, кўп тармоқли хўжалиқлар фаолиятини йўлга қўйишда муҳим асос бўлаётди.

Бирок, ҳали-ҳануз ердан фойдаланишнинг энг мақбул ва истиқболли усули бўлган фермерлик ҳаракати моҳиятини тўла англамай, ерга, экин тақдирига ўзибўларчилик кайфиятида ёндошаётган ер эгалари ҳам йўқ эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, сессияда депутатлар 2013 йилда давлат пахта ва галла етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаган фермер хўжалиқларидаги камчилик ва муаммоларни бартараф этишда вилоят кенгаши депутатлари, хусусан, кенгаш ҳузуридаги доимий комиссияларнинг роли, шу билан бирга, маҳаллий ҳокимлик идоралари мутасаддилари олдида турган долзарб вазифаларни атрофлича муҳокама қилди.

Умуман, жойлардаги мавжуд аҳвол ўрганилганда, қоқоқлик сабаблари

ер, сув таъминоти каби табиий омиллардан ташқари ер эгаларининг ерга, мулкка эгалик ҳисси, янгича фикрлаш ва иш юритишдаги ноқисликлари, шунингдек, жойлардаги фермерлар кенгашлари, бошқарув идоралари, таъминотчи корхоналарнинг аҳволни вақтида ўрганиб, чуқур таҳлил қилмаётгани, жамоатчилик назоратининг сустиги билан боғлиқ экани ойдинлашмоқда. Айрим заминдорларда мелiorация тадбирларини вақтида бажариш, хўжалик негизини замонавий техникалар билан тўлдириб, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда фермерлик ҳаракати учун яратиб берилган имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланиш кўникмалари етишмаётгани ҳам бор гап.

Сессияда сўзга чиққан Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Янгийўл туманлари ҳокимлари ва айрим мутасадди идоралар раҳбарлари айни пайтда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидадан "Ҳаракат дастурлари" ишлаб чиқилиб, ижросига қатъий киришилгани хусусида ахборот берди.

Мунозараларда иштирок этган депутатлар Ш. Аҳмедов, М. Тоиров, шунингдек, вилоят фермерлар кенгаши раиси Т. Тўраев, вилоят бош имомхатиби Қ. Турсунов ва бошқалар эълор хирмони, халқимизнинг ризқ-насибасини бут қилишда фермер хўжалиқлари олдида турган долзарб вазифалар, хусусан, кўп тармоқли фермер хўжалиқлари истиқболлари, дала маданияти, деҳқон лафзи ва масъулияти хусусида фикр-мулоҳаза билдириди.

Сессияда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. **Ўз муҳбиримиз.**

Томорқа – туганмас хазина



## ҲАР ҚАРИЧИ – ДАРОМАД

Оҳангарон туманидаги "Тут" маҳалласи аҳлини деҳқончиликнинг ҳадисини олган дейишади. Боиси, маҳалла аҳолиси шахсий томорқасининг ҳар қарич еридан унулли фойдаланади. Ерга алоҳида меҳр ва эътибор билан қарашади. "Ерни боқсанг, ер сени боқади" деганлари шу бўлса керакки, тутлиқларини ерга бўлган эътибори, ҳалол меҳнатидан рўзорлари бут, турмушлари фаровон.

Маҳалладошлари каби Ойгул Эрнарзорова ҳам аёл бўлсада, 7 сотих келадиган шахсий томорқасида тиним билмайди, шу боис экинлари мўл ҳосил беради. Айниқса, бундан тўрт йил бунун турмуш ўртоғи Абдуқаҳор Эрнарзоровни ҳоли жонига қўймай 1,5 сотихча жойда иссиқхона курдириб, лимон пар-

варийлаётгани бу йил маҳаллада дувдуд гап бўлди. Боиси, лимоннинг мўл ҳосилидан қўни-қўшнилари улашди. Яна 200 килограмм ҳосил Оҳангарон деҳқон бозорига қўлма-қўл бўлди. Очиги, мўлжагина иссиқхонадан шунча даромад – бир миллион икки юз минг сўм фойда олишини ҳеч ким кутмаган эди...

– Ҳаш-паш дегунча, ерлар етилиб, ишлар қайнайди, – дейди О. Эрнарзорова. – Унганча лимоннинг сўнги ҳосилини йиғиб олишимиз керак. Яна 2 сотихча жойдаги мева дарахтларга шакл бериш лозим. Саримсоқийё ҳам чопиқа келиб қолган.

Тўрт фарзандини ҳам олий маълумотли қилиб, энди уларнинг ҳузурини кўраман, дея қувонаётган бу аёлга маҳалладошлари каби бизнинг ҳам ҳавасимиз келди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**Азамат АХМЕДОВ (сурат),**  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари.

Бу ҳақда ҳокимлик соатларида гапирилган эди

## МОЗОРМИ Ё ЧАКАЛАКЗОР?

У ёки бу миллатнинг асл юзини кўрай десанг, бозори ва мазорига бор деган гап бежиз айтилмаган. Зеро, бозорлардаги тўқиллик халқнинг турмуш фаровонлигидан дарак берса, қабристонлардаги тартиб, озодалик, саранжом-сарияталик миллатнинг маънавий дунёсини акс эттириб

туради. Айниқса, қабристонлар йил – ўн икки ой давомида мутасадди ходимлар ва умуман маҳаллий аҳолининг эътиборидан четда қолмаслиги, вақти-вақти билан ҳашарлар уюштирилиб, чор-атроф тартибга келтириб турилиши ўзбек миллатига хос яхши анъаналардан биридир.

Ушбу қабристонда тартибсизлик, бошбўдоқлик яққол кўзга ташланиб турибди. Айрим оилалар ўзларига тегишли қабрлар устига турли куришлар одади қилишган. Энг ачинарлиси, қабрларнинг кўпи анчадан буюн қаровсиз ташлаб қўйилган. Оқибатда уларни ўт-ўлан, қамиш ва буталар босиб кетган. Хотира тартибидан қанчаларди ўрнатилган ёдгорликлар кулаб, синиб ётибди. Қабристон ҳудуди яқин орада умуман тозаланмаганлиги яққол сезилиб турибди.

– Бу қабристонга 16 та маҳалладан марҳумлар дафн этилади, – дейди "Гулзор" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Яхё Ҳасанов. – Ўтказиладиған ҳашарларда фақат бизнинг маҳалламиз фуқаролари қатнашади. Қолган маҳаллаларнинг эса бу билан иши йўқ.

Маълум бўлишича, қабристоннинг тайинли гўркови ҳам йўқ.

– Мен шу қабристонга ҳам бириктирилганман, – дейди 13-қабристон ходими Илхом Дадабоев. – Лекин маҳаллалар кўп, аҳоли зич. Бир ўзим улгуролмайман. Бунинг устига 4-қабристонда мингдан зиёд мева дарахтлари бор. Уларни кесиб, қабристонни тартибга келтириш зарур.

Хуллас, Чирчиқ шаҳар ободонлаштириш бўлими ушбу қабристонга жиддийроқ эътибор бермаса, аҳвол янада хунук тус олиши аниқ. Қолаверса, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими ҳам бу хайрли ишдан четда қолмаслиги, аксинча фаоллик кўрсатиши лозим.

## БАХТЛИ ҚИЗЛАР МУШОИРАСИ

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия-хоним босиб ўтган ҳаёт йўли, мерос қолдирган ижоди ва нафақат ўзбек қизлари, балки Шарқ қизларига ҳам ўрнак бўладиган маънавий дунёси халқимиз ва давлатимизнинг юксак баҳосига сазовор

Тадбирда таъкидланганидек, шоира номидидаги Давлат мукофоти мамлакатимиз қизларининг ҳаётида улкан ижтимоий ҳодиса бўлди. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатда бу каби иқтидорли қизларга давлат фарғи берилгани тиссоли бўлган мукофот қайд этилмаган. Йилдан-йилга иқтидорли қизлар сафи кенгайиб, мазкур мукофот учун ўтказилаётган танловларнинг сависиси ва қамрови ортаётгани қувонарлидир. "Зулфия" номидидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Қибрай академик лицейининг "Ораста қизлар" тўғраги аъзолари ҳамда "Ўзбек-

бўлиб келмоқда. Тошкент Давлат аграр университетида ўтказилган "Обод юртининг бахтли қизлари" мавзусидаги адабий-маърифий тадбирда Зулфия-хоним хотираси ҳақида илиқ фикрлар билдирилди.



наво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлими хонандларининг баҳор, она, аёл, ҳаётни улуғловчи шеър ва кўйиқларини даврага файз бағишлади. Тадбирда Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар кўни-таси раиси Элира Боситнова иштирок этди.

**Хурида НАЗАРОВА,**  
**Қобилжон ҒОҒУРОВ**  
олган сурат.

Ахборот-коммуникация технологиялари

## ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 27 июндаги қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузил-

масини ривожлантириш дастурининг қабул қилиниши мамлакатимизда ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларини жадал ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Тошкент вилоятида ҳам ушбу ҳужжат ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят ва унинг шаҳар ҳамда туман ҳокимликларида электрон ҳужжат алмашинуви йўлга қўйиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, қоғоз сарфини камайтириш имконини берадиган локал ва корпоратив тармоқлар ташкил этилди. Иш сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида "Е-ХАТ", корпоратив бошқаруви автоматлаштирилган тизими – "КБАТ", "Юрида", "Юрида орфо"

каби дастур, тизим ва электрон почталар жорий этилди. – Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти ўтган йили www.toshvil.uz веб-порталига айлантирилди, – дейди Тошкент вилояти ҳокимлигининг компьютерлаштириш маркази раҳбари Саидакром Музаффаров. – Унда давлатимиз раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигининг қарор ва фармойиш-

лари, вилоят ҳокимлиги тузилмаси, вазифалари, мажбуриятлари, реқвизитлари, раҳбарияти тўғрисидаги ахборотлар, жумладан, фуқароларни қабул қилиш тартиби, қабул қуллари, кўрсатилган хизматлар рўйхати ва хизмат кўрсатиш тартиби, расмий тадбирлар (мажлис, анжуман, семинар, учрашув ва бошқалар) билан танишиш мумкин. Ўн саккизта шаҳар ва туман ҳокимликларининг расмий веб-сайтларини ўз ичига олган www.toshvil.uz да вилоят ва мамлакатимиз ҳаётига оид тезкор янгилик

Эътироф

## ПОЛЬШАНИНГ МИНТАҚАДАГИ ШЕРИГИ

Яқинда Варшавада бўлиб ўтган давра суҳбати чоғида Польша экспертлари ҳамжамияти Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг асосий жиҳатлари билан танишди.

Мамлакатимиз дипломатия миссияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Польшанин ижтимоий-сиёсий арбоблари, олимлар ҳамда экспертлар доираси вакиллари қатнашди.

Давра суҳбати чоғида демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш асосида тараққийнинг "Ўзбек модели" миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг изчил юксалишига мустаҳкам замин яратгани хусусида атрофлича фикр юритилди. Дунё миқёсида ўз эътирофини толган ривожланишнинг бу модели жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инқирозли ҳолатларга қарамай, мамлакат иқтисодиётини ўстиришнинг юқори суръатлари барқарорлигини ҳамда макроеқтисодий мувозанатни тўла таъминлаётгани, шунингдек, сўнги 7 йил давомида Ўзбекистонда яппи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиздан ошаётгани таъкидланди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғи мамлакатимизнинг Польшага Европа Иттифоқидаги ишончли савдо-иқтисодий шериклардан бири сифатида қараётганига алоҳида эрга берилди. Шу боис икки томонлама алоқалари, хусусан, таълим, кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий ҳамкорлик соҳаларидаги ўзаро муносабатларни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда иқтисодиёт, сиеъат, таълим ва ҳуқуқ соҳаларида ислохотлар изчиллик билан ҳаётга таъбиқ этилаётгани польшалек экспертлар томонидан эътироф этилди. Улар Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаётган Ўзбекистон катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини ҳамда мамлакатимиз Польшанин минтақадаги асосий шериги ҳисобланишини таъкидладилар.

"Жаҳон" АА,  
Варшава.



(Давоми 2-бетда.)

Депутат минбари

Давлатимиз раҳбари Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоятнинг саноат салоҳиятига юксак баҳо берди: "Тошкент вилоятида иқтисодий таълимнинг етакчи тармоғи бўлиши саноат соҳаси юқори даражада ривожлангани ҳаммамизга яхши маълум. Бугунги кунда вилоятнинг мамлакатимиз саноатидаги улуши, Тошкент шаҳри билан қўшиб ҳисобла-

ганда, 33,5 фоизни ташкил этиши ҳам шуни тасдиқлаб беради. Умуман олганда, мамлакатимиз бўйича яратилган янги ички маҳсулотнинг 9,6 фоизи, саноат маҳсулотларининг 12,4 фоизи, хизматларнинг 9,4 фоизи айнан Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши унинг катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эканини кўрсатади" деб таъкидлади.

аҳолидан яна 200 киши ишли бўлади. Урта Чирчиқ туманидаги "Тўйгепа металл турмалилари" корхонасининг ўз маблагларидан 4,2 млн. доллар сарфланиб, қуввати йилига 5 минг дона металл конструкциялари ишлаб чиқариш даражасига етказилади ва кўшимча 250 киши иш билан таъминланади.

Оҳангорон туманидаги "TIAT Ceramic" хорижий шўба корхонаси негизда лойиҳа қиймати 17,6 млн. долларга тенг, йилига 510 минг дона санитар-керамика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий корхона 100 фоиз хорижий инвестициялар ҳисобига шу туширилади ва 300 та янги иш ўринлари яратилади.

Ангрэн шаҳрида йилига 8 минг тонна турли хил мис қувурлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий корхона ишга туширилиши муносабати билан 183 та янги иш ўринлари очилади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг 10,3 млн. доллари Олмалик кон-металлургия комбинати ҳамда 25,2 млн. доллари "Ипотекабанк" кредити ҳисобидан бўлади.

Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш, замонавий технологияларни олиб келиш, аҳоли бандлигини ошириш, янги товарлар ишлаб чиқариш орқали маҳаллий ва хорижий истеъмолчилар талаб-эҳтиёжларини қондириш билан бирга вилоят экспорт салоҳияти юксалишига замин яратаяди. Бир сўз билан айтганда, бу Дастурнинг ижроси вилоят аҳолисининг моддий ва маънавий фаровонлиги янада ошишини таъминлайди.

Баҳоидир ТОҒАЕВ, Халқ депутати вилоят Кенгаши депутати, иқтисод фанлари номзода.

Касбим – фахрим ЧИННИ БУЮМЛАР – ДАСТУРХОН КЎРКИ



Азалдан халқимизда қўл меҳнати қадрланиб, эъзозланиб келинади. Хусусан, хунармандлар яратган маҳсулотлар доим юқори баҳоланган.

Беқобод шаҳрида Холмат Турдалиевни қўли гул куло сифатида билишди. У ясаган буюмлар харидоригир. Бу касбнинг этагидан тутишида бобоси Узоқбой отанинг ҳиссаси катта. Жаҳки кўчаларидан ушлаб, кулолчиликни ўргатганларини хали-хануз эслайди.

Хозир ўзи ҳам набираси Дилмуродга касбнинг сирасорларини ўргатапти. Улар ясаган лаган, коса, пиёла, ликопчалар келинлар дастурхонини безаяпти. Ҳар ойда 2 минг дона маҳсулот чиқаришмоқда. Бу йилдан сополдан гултувак ва эсдалик буюмлари ишлаб чиқаришни мўлжаллашади.

СУРАТАА: (чапда) Дилмурод Турдалиев шаҳар "Хунарманда" уюшмаси раиси Олим Қўчқоров билан суҳбатда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Молиялаштириш

КРЕДИТ ШАКЛИ ВА ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИ

Тадбиркор ва ишбилармонларга кенг имкониётлар яратилиши иқтисодий таълимнинг жадал суръатларида ривожланишига туртки бўляпти. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда ёшларимизни тадбиркорлик ва ишбилармонлик руҳида тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, ёшларга тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун банклар микрокредитлар ажратмоқда.

Президентимизнинг "Қоллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони барча корхона ва микрофирмаларга имтиёзларини сақлаган ҳолда 20 фоиз қўшимча иш ўринлари яратиш, ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кенг йўл очиб беради.

Қоллежнинг ўқувчилари ва битирувчиларида тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқиш катта. Шу сабаб улар банклардан кредит олиш, бизнес-лойиҳа тузиш масалалари хусусида кўп мурожаат қилишди. Қулай шартлар билан қайтариб олиш мумкин, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи ёки фаолиятини кенгайтириш ниятида бўлган ёшлар маблағ масаласида қийналиб қолишди. Биз уларга бизнесларини қандай йўллар билан молиялаштириш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар берамиз. Масалан, пай бадали шартига кўра, ёшлар бизнесига жисмоний ёки юридик шахс ҳамкор сифатида маблағ киритади.

Маълумки, вилоятимизда мебель ишлаб чиқарувчилар талайгина. Улар сифатли ошона, меҳмонхона, ётқоҳона жамланмалари ишлаб чиқаришмоқда. Тадбиркорларимиз таклиф этаятган маҳсулотлар "Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари Mebel Экспо" кўргазмаси иштирокчиларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Хуршида НАЗАРОВА, Чирчиқ қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи ўқитувчиси.

ВИЛОЯТ САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шунингдек, республика Президентининг ушбу сессияда берган топшириқлари асосида вилоятнинг барча йўналишларида ривожлантириш бўйича Дастурлар ишлаб чиқилди. Унда ҳар бир туман ва шаҳардаги мавжуд имкониятлар, тадбиркорлик субъектларининг салоҳияти, шунингдек вилоятнинг саноат салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи барча омиллар ҳисобга олинди.

Республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, амалга ошириладиган ишларга янада аниқлик киритилди. Дастурга мурофий, саноатнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида ички ва ташқи бозорда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берувчи юқори технологияли саноат шакллантирилади. Саноат нисбатан кам ривожланган Беқобод, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Урта Чирчиқ, Бўка, Пискент ва Оққўрғон туманларида ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилади. Тўхтаб қолган, паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаган корхоналарни соғломлаштириш ёки фаолият турини ўзгартириш ҳисобига тўлиқ қувватда ишлаши таъминланади.

"Ангрэн" махсус индустриал зонасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига барча тармоқларда, айниқса, машинасозлик, металлургия, қурилиш материаллари, электр техника, кимё ва нефть-кимё соҳасида янги қувватларни ташкил этиш, мавжуд саноат корхоналарини модернизациялаш ва кенгайтириш мақсадида инвести-

циялар, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилади. Рақобатбардор ноозик-овқат истеъмол товарлари, айниқса, текстиль, тикув, трикотажа, чарм-поябзал ва фармацевтика маҳсулотларининг кенг қўламда ишлаб чиқариш ҳисобига саноат маҳсулотларидаги тайёр маҳсулотлар улуши кўпайтирилади.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш орқали биринчидан, вилоят саноатига 2,2 млрд. доллар инвестиция, шу жумладан 602 млн. доллар хорижий сармояларнинг тўғридан-тўғри жалб этиш ҳисобига 302 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади ва 11 минг 40 та янги иш ўринлари яратилади.

Иккинчидан, тўхтаб турган, паст рентабелли 36 та саноат корхонаси ва бўш бинолар фаолиятини қайта тиклаш учун вилоят иқтисодий таълимнинг 18,8 млн. долл. микро-дона инвестиция киритилиб, 915 та янги иш ўринлари очилади. Учунчидан, давлат тасарруфидаги 94 та бўш объектларни оммавий савдоларда "ноль" қийматда сотиш, шунингдек 28 та объектни белгиланган тартибда бузиш ҳисобига юқори технологияли ва энергияни тежовчи замонавий дастгоҳларга эга саноат

корхоналари барпо этилади. Дастурни амалга ошириш натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2015 йилда 2012 йилга нисбатан 124,3 фоиз, шунингдек ноозик-овқат истеъмол товарлари 144,2 фоиз, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 138,9 фоиз, саноат-техникавий йўналишдаги корхоналар маҳсулоти 118,5 фоиз ўсиши таъминланади.

Ангрэн махсус индустриал зонасида лойиҳа қиймати 155,3 млн. долларга тенг 8 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Бу мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Айниқса, келгудек Ангрэн-Поп йўналишида янги темир йўли қурилиши нафақат Ангрэн махсус индустриал зонаси, балки бутун вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг кучли омилларидан бири бўлади.

Режалаштирилган инвестиция лойиҳаларини нафақат саноат марказларида, балки ишлаб чиқариш кам ривожланган, тоғли чекка қишлоқ туманларида амалга оширишга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, "Бўстониқ Пластикс" корхонаси негизда лойиҳа қиймати 14,5 млн. долларга тенг,

йилига 7 минг тонна ип-калага ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий корхонани ишга тушириш натижасида 350 та янги иш ўринлари яратилади. Лойиҳани амалга ошириш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг 10 млн. доллар кредит маблағлари ва корхонанинг ўз маблағларидан 4,5 млн. доллар жалб этилади.

Пискент туманидаги "Тоҳиржон қурилиш савдо" корхонаси негизда лойиҳа қиймати 1,2 млн. долларга тенг, йилига 2 млн. дона трикотажа маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий корхона ишга туширилади. Бунинг учун "Алоқабанк"нинг 450 минг доллар кредит маблағлари, корхонанинг 300 минг доллар ўз маблағлари ҳамда 450 минг доллар хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиб, 420 та янги иш ўринлари очил кўзда тутилади.

Юқори Чирчиқ туманидаги "ТТГ" хорижий корхонаси негизда 40 млн. доллар хорижий инвестиция тўғридан-тўғри жалб этилиб, йилига 7,5 млн. кв. метр мато ва 5 млн. дона тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий корхона ишга туширилади. Натижада маҳаллий

Семинар

Тошкент давлат аграр университетида вилоятимизда қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунадлар, касалликлар ва бегона ўтлардан уйғунлашган ҳимоя қилиш ишларини ўз мудирида сифатли ўтказиш чора-тадбирларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

БИОУСУЛ ҲОСИЛНИ ПУХТА ҲИМОЯЛАЙДИ

Унда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, фермерлар уюшмаси, ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази, пахта саноат бирашмаси, дон маҳсулотлари корхоналари, "Қишлоқхўжалиқимё", карантин инспекцияси, биология лаборатория мудири, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Семинарда ўтган йили вилоятда қишлоқ хўжалиги экинлари, боғ, тоқзор, тут дарахтини зараркунадлар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, 2014 йил учун белгиланган дастурни бажариш бўйича долзарб вазифалар хусусида тўхталиб ўтилди.

Хозир турли касаллик ва зараркунадлар сабабли қишлоқ хўжалиги экинларининг 40 фоиз ҳосили йўқотилмоқда, — деди

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Эркин Холмуродов. — Уларга қарши самарали курашишда биология лабораториянинг аҳамияти катта. Бугунги кунда вилоятда 38 та биология лаборатория фаолият қўрсатмоқда. Улар тавсия этаятган биологик усуллар касаллик ва зараркунадларга қарши курашишда ҳар томонлама қўл келяпти.

Ёш олимларнинг экологик зарарсиз биоусул, экологик тоза маҳсулот этиштиришда микроэлементли озуқаларни қўллаш, гўза, галла, боғ, тоқ ва сабзавот экинларини зараркунадлардан ҳимоялашга қаратилган илмий излашларига оид маълумотлар иштирокчиларга тақдим этилди.

Хуршида ТУРСУНБОУВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири, Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.



ТАДБИРКОРЛАР, ХУНАРМАНДА ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА


Ўзбекистон Республикаси Президентининг савдини учун ўтказилаётган "Ташаббус — 2014" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи 2014 йил 14 март кунин соат 10.00 да Қумовулдаги Вилоят маданият ва мағрифат маркази биносида бўлиб ўтади.

"Ташаббус"га марҳамат! Ташкилий қўмита.

КЎРГАЗМАЛАР ИШИНИ ЯҚУНЛАДИ

"Ўзэкспомарказ"даги "Қурилиш-Uzbuild", "Иситиш ва ҳаво алмаштириш AquaTherm" ва "Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари Mebel Экспо" анъанавий кўргазмалари яқунланди. "ИТЕ-Uzbekistan" компанияси ташкил этган кўргазмаларда вилоятимиз вакиллари ҳам муносиб иштирок этишди.

— Қурилиш ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш иқтисодийнинг барқарор ривожланишга соҳаларидан биридир, — деди "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси бош менежери Акбар Иситидинов. — Қурилиш саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда вилоятда қатор йирик лойиҳалар ишга тушди. Қурилиш материаллари тури кўпайиб, сифати ях-



шиланиши билан бирга таннархи арзонлашди. Келгусида 388 та қишлоқ жойларида 11 мингга намунавий уй қуриш режалаштирилган.

"Иситиш ва ҳаво алмаштириш AquaTherm" кўргазмасида бутун жаҳонга танили компаниялар тажриба ва кўникмалари ҳамда бизнесни ривожлантиришга оид таклифлари билан ўртоқлашди. Маълумотларга қараганда, 2020 йилга бориб, республика шаҳарларида аҳолини марказлашган ичимлик суви билан 100

фоиз таъминлаш, қишлоқларда эса 85-90 фоизга етказиш режалаштирилган. Уйлаймизки, маъзур кўргазма йўналишдаги ишларни янада ривожлантиришга туртки бўлади.

— Корхонамизда тайёрланган иситиш тизимлари, сантехника, қувур ва ҳовуз жиҳозлари талаб йил сайин кучаймоқда, — деди "Silver Nile" масъулияти чекланган жамияти менежери Элёр Мўминов. — Утган йили 40 миллион сўмлик шартнома имзолана эдик, бу йил 100 миллион сўмлик буюртма қабул қилдик. Шу йили ишлаб чиқарилиши кутилётган экологик тоза кизиқилги кўпчиликда кизиқиш уйғотмоқда.

Маълумки, вилоятимизда мебель ишлаб чиқарувчилар талайгина. Улар сифатли ошона, меҳмонхона, ётқоҳона жамланмалари ишлаб чиқаришмоқда. Тадбиркорларимиз таклиф этаятган маҳсулотлар "Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари Mebel Экспо" кўргазмаси иштирокчиларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Хуршида НАЗАРОВА.

Ахборот-коммуникация технологиялари

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Маълумки, вилоятлар ҳокимликлари веб-сайтларига мурожаат қилган фуқаролар сонининг ҳисоби юртлиқлади. Унга кўра, 2013 йилнинг учинчи чорагида www.toshvil.uz га ташриф буюрувчилар сони вилоятлар веб-сайтлари ўртасида охириги ўринни банд этган эди. Вилоятда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга эътиборнинг қунайиши натижасида бу борадаги кўрсаткич биринчи ўринга кўтарилди. — Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш бора-борда ишларни давом эттирмоқдасиз, — дейди вилоят

Маҳаллийлаштириш

ЕРНИНГ МАЛҲАМИ, ДЕҲҚОННИНГ МАДАДКОРИ

Деҳқоннинг кетмони қанчалар тобланган бўлмасын, тузроқ техникаси бўлмаса — бефойда. Техника — деҳқоннинг қаноти, деганлари шу. Бинобарин, бугун илм-фан ва техника жадал раванқ топаётган бир пайтда қишлоқ хўжалиги ривожини ҳам замонавий агротехнологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Саноатнинг кўпгина тармоқларига маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида янги ва истиқболли лойиҳалар изчил татбиқ этилиши натижасида агротехник ускуна ва механизмлар тайёрлашда ҳам салмоқли уютулгларга эришилмоқда. Бунга Чирчиқ шаҳрида фаолият юритаётган маъсулия чекланган жамият шаклидаги "LEMKEN-Chirchiq" қўшма корхонаси фаолияти мисол бўла олади. Корхона 2012 йили Гер-

манья агросаноат компанияси билан ҳамкорликда "Чирчиқшўқоқ" корхонаси негизда ташкил этилган эди. Утган вақтда корхона жамоаси невис мутахассислари иштирокида 10 турга яқин замонавий агротехник мосламалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу мосламалар иш унуми ва сифати, қулай автоматик бошқарув ва назорат тизимига эга, бир вақтнинг ўзиде бир неча агротехник вазифаларни бажара олиши ва

энг муҳими, юртимиз иқлим ва тупроқ шароитига мослиги, заминимизда шакланган сурғома деҳқончилик аъёналарига тўла жавоб бериши билан маҳаллий деҳқону фермерлар эътиборига тушиб улгурди. Талаб ва эҳтиёжни инобатга олган корхона жамоаси қисқа фурсатда 220 дона "EuroPal 8/3+1 N100" русумли универсал омоқ, 100 дона "Zirkon 8/250" русумли ротацион тизимга эга сикмола тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб берди. Бундан ташқари, корхона ийғув цехларида буюртмалар асосида интенсив култиваторлар, штангалли пурақига, сепкага ҳамда калта диски бороналар ҳам тайёрланаётир.

Айни пайтда корхона ма-

лакатимизнинг кўплаб нуқталаридан буюртмалар олмақда. Бу табиики, ишлаб чиқариш қўламини муттасил кенгайтириб боришни тақозо этади. Бироқ, асосий эҳтиёт қисмларининг четдан келтирилиши корхона имкониятларини бироз қарғалаб қўймоқда. Шунини инобатга олиб, бу ерда давлатимизнинг амалий кўмаги ва мадад билан кенг қамровли маҳаллийлаштириш лойиҳалари ижросига киришилди. Унга мувофиқ, келаси йил якунигача эҳтиёт қисмларининг 50 фоизи шу ернинг ўзиде тайёрлана бошлайди. Бу турдан гапки, маҳсулотлар қўйиши баробарида, нархини мақбуллаштириш имконини ҳам беради.

Шукур МУРОДОВ.

### Бугуннинг гапи

Эртанги кун эгалари – ёшлар истиқболли мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Зангиота туманидаги маийш хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежид ўрта-махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга бағишланган семинарга вилоятимизнинг 122 коллеж ва 6 ишей раҳбарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳаллалар фаоллари, барча турдаги хусусий тадбиркорлик корхоналари вакиллари таклиф этилди.

## КУН ТАРТИБИДА – ЁШЛАР БАНДЛИГИ



Унда коллеж, лицейларда ўқитган 123 минг 288 ўқувчи-ёшларнинг касб-хунарни пухта эгаллаш учун олиб борилаётган ишлар, 42 минг 016 нафар битирувчилар, айниқса қизларни иш билан таъминлашни хусусида сўз борди. Хозирги кунда деярли барча битирувчилар уч еклма шартномалар асосида ўз касб йўналишлари бўйича ишлаш имкониятига эга бўлишди. Унга қадар ўқувчи йигит-қизлар "Ёш тадбиркорлар" гуруҳлари машғулотларида иштирок этиб, касб сирларини пухта

ўзлаштиришмоқда. Тадбиркорнинг энг муҳим ҳужжатлари, бизнес лойиҳаси, давлат рўйхатидан ўтиш, кредитлардан тўғри фойдаланиш ҳақида кўрсатмалар соҳа мутахассислари, банк ходимлари иштирокидаги давра суҳбатларида тушултирилмоқда.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситчинова иштирок этди.

**Сайёра ИКРОМОВА,**  
**Азамат АҲМЕДОВ**  
олган сурат.

### Бандлик

## ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ЯРАТИЛМОҚДА

Тошкент Давлат аграр университети, Кадрлар малякасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш марказида вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар ва навбатдаги устувор вазифалар" мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Унда вилоятимизнинг тадбиркор аёллари, хунарманд хотин-қизлар, шаҳар ва туманлардаги хотин-қизлар кўмиталари, "Хунариманда" уюшмаси раислари, соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Қатнашчилар хунармандлар ясаган буюмлар, тикан кийим-кечак, турли рўзгор жипселарини томоша қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Айниқса, Қибрай, Паркент, Зангиота туманидан келган хунармандларнинг маҳсулотлари барчага маъқул бўлди. Семинар ишида сўзга чиққанлар хунармандлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, кредит олиш қўнун-қоидалари ҳақида тушунча беришди. Таъкидландики, ишни янги бошлаган тадбиркор, хунармандлар 2017 йилгача даромад солиғидан озод қилинади. Иштироэлардан рўнланган хунармандлар ўз фаолиятларини кенгайтириш ниятида эканликларини айтишди.

– Икки йилдирки "Хунарманда" уюшмасига аъзолигимиз, – дейди қибрайлик тикучи Шахло Акмурзаева. – 8 йилдан буюн тикучилик билан шуғуланаман. Бизга берилаётган имтиёزلардан умумли фойдалана олиб, кредитга попел тикадиган машина харид қилмоқчимиз. Миллий либосларга қизиқиш кўчаганидан мамнунмиз.

**Сайёра ЭШМАТОВА,**  
**Қўбилжон ГОФУРОВ**  
олган сурат.

### Партиялар ҳаётидан

## МУЛҚДОРЛАРГА ҚУЛАЙ ШАРОИТ

Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят Кенгаши шу кунларда ўз фаолиятини партиянинг бу йилги сайловди дастури, республика Президентининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг шарт-шароитлар яратиб беришга оид кўрсатмалари ва "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросига қаратмоқда.

Партиянинг энг муҳим вазифаларидан бири вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари имкониятларини янада кенгайтириш орқали аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ушбу соҳа фаолиятига фуқароларнинг жамиятлари институтлари ва кенг жамоатчиликни жалб қилишдир. Партиянинг Янгийўл туманидаги технология-иктисодиёт касб-хунар коллежид "Тадбиркорлар, фермерлар – иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг мухтажам асоси, мамлакатимизнинг узок муаддати максалдларига эришишдаги ҳал қилувчи куч" мавзусида ташкил этилган семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Таъкидландики, вилоятнинг энг чекка худудларида аҳолини, айниқса, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига жалб қилишга қаратилган амалий тадбирлар кўллаб янги иш ўринларини ташкил этишга хизмат қилмоқда. Семинар якунида иштирокчилар "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни бirlаштириш хусусида келишиб олдилар. **Ўз мухбиримиз.**

## ДАСТУРИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон ХДП Марказий ҳамда вилоят кенгаши Зангиота тумани озиқ-овқат касб-хунар коллежид "Электрот орасида партия дастурий мақсад ва вазифаларини тарғибот қилишда сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш масалалари" мавзусида ташкил этилган ўқув-семинарда Ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутати гуруҳлари аъзолари, "Фол аёллар" ва "Истиқбол" ёшлар қанотлари вакиллари, сиёсатшунос олимлар, коллеж ўқитувчилари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар электрот билан иш олиб боришда янги усуллардан, айниқса, умумэтариф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш жуда муҳимлигини таъкидлашди. Ўқув-семинар сўнгида сиёсий технологияларнинг мазмун-моҳияти, турлари ва уларнинг сиёсий партия фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти, электрот билан иш олиб боришда қўллаш амалиёти каби масалалар юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди. **Наргис МАМАТҚУЛОВА.**

### 2014 йил – Соғлом бола йили

## ОТА-ОНА – ШАҲСИЙ НАМУНА

**Фарзанд кўрмоқчи бўлганлар жисмонан, маънан, руҳан тайёр бўлишлари керак. Шаҳсий намуна – оилда фарзанд тарбиясининг сигнал омили. Фарзанд ўз ота-онасидан маънавий-маърифий озуқа олиб улагийши келажакда етук инсон бўлиб етишишнинг асосидир.**

Онанинг алла, эртак ва ривоятлар айтиши, отанинг буюк аждоғларимиздан мерос қолган урф-одатларимиз ҳақидаги ҳикоялари

бола ҳаётига мазмун киритиши шубҳасиз. Хуллас, ота-она ўз фарзандига ўрнак бўлиб, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини

сингдириши керак.

Фарзанднинг бадантарбия ва спорт билан шуғулланиши одатий ҳолга айланиши учун оиласида шу кўникма шаклланди бўлиши керак. Боланинг спортга муносабатини тўғри йўналтириш учун мутахассислар билан маслаҳатлашиб, муайян ёшда спорт тўғрақларига бериш керак. Келажакимиз пойдевори

бўлиши фарзандларимиз соғлом ва ҳар жиҳатдан етук инсон бўлиши учун оиланинг ҳар бир аъзоси жон куйдириши керак. Зеро, соғлом фарзанд – соғлом оилавий муҳитда улғайди.

**Фарида КОМИЛОВА,**  
саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали бўлим mudiri.

**Қутуриш – оғир кечадиган юқумли касаллик. У аввал марказий асаб тизимини шикастлаб, кейинчалик фалаж қилади ва охири ўлимга олиб келади. Қутуриш билан асосан одамлар, барча сут эмизувчи ва иссиққонли ҳайвонлар касалланади.**

**Табиатда қутуриш вирусини асосан итлар ва итсимонлар оиласига мансуб ҳайвонлар тарқатади. Шунингдек, сигир, от, қўй, эчки, чўчка, мушук ва кемирувчилар орқали ҳам юқиши мумкин.**

## ШУНЧАКИ ВИРУС ЭМАС

давом этади ва ўлим билан тугайди.

Шу кунгача қутуриш касаллигини даволаш йўли топилгани йўқ. Шундай экан, қутуриш касаллигига дучор бўлмаслик учун нималар қилиш керак?

Энг аввало, ҳайвон тишлаган жойни совунлаб ювиб, йод суртиш, кейин стерилланган тоза бинт билан боғлаб, дарҳол врачга мурожаат қилиш керак. Ҳар қандай мунтазам эмлаш қутуриш касаллигини даволашда бирдан-бир воситадир. Эмлаш даврида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш (эмлашдан кейин ҳам 6 ой мобайнида), эмлаш тартибини бузиш, ундан бош тортиш ахшиликка олиб келмайди. Эмлаш вақтида жабрланган киши чарчашдан, ўта совуқдан сақланиши керак.

Ҳайвонлар, ит ва мушуклар билан ортқича машғул

бўлишдан сақланиш, айниқса болаларнинг ҳайвонлар билан уйнашига йўл қўймади ҳам бу касалликка қарши кураш омилларидан бири.

Таъкидлаш жоизки, қутуриш касаллигига қарши кураш фақат тиббиёт ходимларининг эмас, умумхалқ оғшидир. Шундай экан, ҳар бир фуқаро ўз бурчини ҳис этиши, хонадонларда боқилаётган итларни амалдаги қоидаларга риоя қилган ҳолда сақлаши керак. Қоидага биноан ҳар бир ит занжирга боғланган ҳолда боқилиши, қўчага озгина махсус бурундўқ тақиб, калта чилвирга олиб чиқиш тавсия этилади.

Касалликни асосан даиди итлар тарқатади. Ҳуқумат қарорлари асосида ободонлаштириш бошқармасида эгасиз, даиди итларни (мушукларни) овлаш ва йўқотиш борасида махсус бри-



## ТИББИЙ КЎРИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Бекобод тумани тиббиёт бирлашмасида касалликларнинг олдини олиш ва даволашда турли ёшдаги болажонларни соғломлаштиришга катта эътибор берилаётир.**

– Туманимиз ҳудуди кенг ва аҳоли зич, – дейди тиббиёт бирлашмаси бош педиатри Роҳиля Тожибоева. – Хозир 1 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар 87 мингдан ошадди. Биз, шифокорлар эҳтишимизда болалар ва уларнинг ота-оналари соғлигини сақлашда муҳим вазифа турибди. Ҳуқуматимиз ҳам ёш авлод таълим-тарбияси ҳақида қайғурапти. Тўрт мучаси соғ ёшлар келгусида теран фикрли, етук кадрлар бўлиб етишиб чиқишди.

Хозир туманда 24 та қишлоқ шифокорлик пункти ишлаб турибди. Болажонларни турли касалликлардан ҳимоялаш мақсадида эмлаш режа бўйича ўтказилапти. Ушбу чекка худуддаги шифокорлар хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорликни йўлга қўйишган. Массофадан туриб, алоқага чиқиб, тажриба алмашишга, ўтган йили бир қанча болалар Жанубий Кореяга даволаш учун жўнатилгани ҳам мазкур ҳамкорликнинг самарасидир.

Тиббиёт ходимларининг соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдаги натижаси ўлароқ, туманда 3 мингдан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғуллашапти.

Шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳам шифокорларнинг зиммасида. Барча маҳалла фуқаролар йиғинлари, ўқув масканларида ёшлар билан эрта турмуш қуриш ва эрта туғуруқнинг оқибатлари мавзуларида суҳбат ва урчулашдан ўтказилмоқда. Яқинда шундай тадбирлардан яна бири ташкил этилди.

– Ҳақиқатан ҳам турмуш қуриш жиҳиди масала, – дейди тадбир иштирокчиси Гузал Матқаримова. – Мен ҳам эрта никоҳга қаршиман. Ҳар бир оила оғил қўшига кириб, танлаган касбим бўйича етук мутахассис бўлоқчиман. Бир оиланинг бекмаси бўла олишимга кўзим етганда, турмуш қуриш ҳақида ўйлаб қўраман.

**Азамат АҲМЕДОВ**  
олган сурат.

### Кўрик-танлов

## СИТОРА БИЛИМДОНЛИГИНИ ИСБОТЛАДИ

**Академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларининг аънавий "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи – 2014" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Вилоят хусусийлаштирилган, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш ва касб-хунар таълими бошқармалари, табиати муҳофазат қилиш кўмитаси, савдо-саноат палатаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳамда "Ўзстандарт" бўлими ҳамкорлигида уюштирилган танловнинг 1- ва 2-босқичлари голиби бўлган 22 иштирокчи истеъмол маданияти, савдо, хизмат кўрсатиш, сервис ва коммунал соҳадан муаммоларни ечишда истеъмолчилар ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилиниши каби мавзуларда беллашди.

Иштирокчилар табрик, ижодий топширик, истеъ-



молчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўнунчилигига доир тест саволлари каби шартлар бўйича мусобақалашди.

Яқуний натижаларга кўра, Олмалиқ тиббиёт коллежи ўқувчиси Ситора Тўрақуллова биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўллангани қўлга киритди. Унга эсдалик сифатида телевизор совға қилинди. Чирчиқ техника коллежи вакили Дилшод Миралиев ва Зангиота ака-

демик лицейи ўқувчиси Мафтуна Йўлдошева ҳам тенгдошларига нисбатан анча билимдон эканликларини намойиш этишди. Шунингдек, бир қатор номинициялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Кўрик-танловнинг республика якуний босқичи 15 март – Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро кунда ўтказилади. **Ҳуршида НАЗАРОВА,**  
**Қўбилжон ГОФУРОВ**  
олган сурат.

## ЗАРАР УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Янгийўл тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг 2013 йил давомида амалга оширган ишлари сарҳисобига бағишланган семинар ташкил этилди.

Ўтган йилда туман бўйича истеъмолчиларнинг 49 та ариза-шикоятлари ўрганилиб, уларга 11 миллион 199 минг 957 сўмлик зарар ундириб берилди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар. **Юлдузхон МУХИДДИНОВА.**

**Мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши кураш ва бу иллат келтирувчи фожиаларнинг олдини олиш мақсадида 1 февралдан 1 мартга қадар ўтказилган "Ёшлар орасида гиёҳванд воситаларини тарқатилишига қарши кураш ойлги" доирасида Бўча тумани маийш хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокчида "Гиёҳвандлик – аср вабоси" мавзусида тадбир ташкил этилди.**

## АЧЧИҚ ҚИСМАТ САБАБИ – ГИЁҲВАНДЛИК



Сўзга чиққанлар гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ва бу иллатга

қарши кураш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида гапирдилар. Алданиб, гиёҳвандлик гирдобига тушиб қолаётган айрим юртдошларимизнинг аччиқ қисмати барчага, айниқса, катта ҳаёт остонасида турган ёшларга сабоқ бўлиши лозимлиги таъкидланди. **Шерали АНВАРОВ.**

## ЭЪЛОН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

10. Пиллоқ 45 фоиз (жир O'zDSt 628:2001, ГОСТ 7616-85)
11. Томат пастаси 30 фоиз (ГОСТ 3343-89)
12. Қарам янги узилган
13. Помидор янги узилган (ГОСТ 1725-85)
14. Бодиринг янги узилган
15. Шоғлом, турп, редиска
16. Қуритилган мевалар
17. Ҳамиртурш (дрожжи) (ГОСТ 171-81, ГОСТ 28483-90)
18. Комплот консерваланган

1. Маргарин
  2. Шоколад
  3. Мураббо
  4. Кофе (эрвучан)
  5. Горчица кукуни
  6. Қалампир (янчилган)
  7. Лавр барги
  8. Уксус эссенцияси
  9. Крахмал (картофельный)
  10. Мевалар экстракти
  11. Бугдой (сумалак учун)
- Танловда мазкур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиши ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолиятини таққилинмаган фермер ва деҳқон ҳўжаликларини, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.
- Езма аризаларда кўйидаги маълумотлар киратилиши лозим: **Мамбурут учун телефонлар: (8-371) 236-29-10, 233-75-11, 232-80-95.**

### ЭЪЛОНЛАР

Утерянную шаҳодатному № 2514159, выданному в 2007 году общеобразовательной школой № 10 Нарпайского района, Самаркандской области на имя Сидикова Олимжона Дилмурад угли, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную шаҳодатному № 3672854, выданному в 2009 году общеобразовательной школой № 10 Нарпайского района, Самаркандской области на имя Сидикова Тулкинжона Бекмурот угли, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Якқасарой тумани ТСРЎ томонидан 31.01.2014 йилда № 007653-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ANVAR BIZNES SERVICES" МЧЖ норентабеллиги сабабли **ТУГАТИЛАДИ.**

"INTEGRA MODA" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"OQOQ'RG'ON AVTOBUS-TAKSI SAROVI" МЧЖга тегишли бўлган Исзузу русумли давлат рақами 01955 ВСА автотранспортга берилган АТ № 1141284 рақами ҳамда ГБА ГАЗ 322132-224 русумли давлат рақами 10 Q 284 СА автотранспортга берилган АТ № 1151917 рақамли лицензия варақалари йўқолган сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз туманида жойлашган 1-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1982 йилда Низамов Суннатилла Мадаминович номига берилган Г № 728216 рақамли 8-синфни битирганлик тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"ASXOJA MANO" хусусий корхонасининг устаз жамағармаси 12 050 000 сўмдан 10 000 сўмга қайта ишлаши маълум қилади.

